



# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2011 йил 18 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

**XXI** садоси  
аср  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН  
ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 12 (11.823)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ислохотлар оқимида

### ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Хозирда эса корхонада асосан махсус иш кийимлари тексилмоқда. Улар сифатли, чидамли бўлиб ва об-ҳаво инжиқликлари ҳисобга олинган ҳолда замонавий дизайн ишчи-хизматчилари «Irodan» савдо белгиси туширилган 300 дан зиёд махсулот — костюм, шим, куртка, кўйлак, нимча, футболка, тиббиёт халатлари, шунингдек, махсус иш кийимлари учун алоҳида қалпоқ, кўлқоп каби кўшимча махсулотларни буюртма асосида тикиб, харидорларга етказиб бермоқда. Корхонада ўртача бир ойлик буюртма 70 миллион сўмни ташкил қилади. 150 нафар малакали ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган МЧЖда

замонавий дастгоҳлар қувватидан унумли фойдаланиш, мавжуд имкониятларни ишга солиш натижасида қўшни давлатларга экспорт йўлга қўйилган, улар орасида Россия салмоқли ўрин тутади. Сифатли пахта толасидан тайёрланган мато қатор афзалликка эгаллиги билан ажралиб туради. Шу боис нафақат мамлакатимиз, балки экспорти амалга оширилаётган давлатларда ҳам иш либослари буюртмачиларни мамнун қилмоқда. Замон билан ҳамнафас қадам ташлаётган корхонанинг кейинги йилларда бичиш, тикиш, дазмол босиш каби кўплаб мураккаб, кетма-кетликда амалга оширилаётган жараёнлари ўз ичига олган цехлари унумли дастгоҳ ва жиҳозлар билан таъмин-

ланган. Бу ишлар ўз навбатида меҳнат суръатини ошириш, маҳсулот турларини доимий кўпайтириш, айниқса сифатини таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ерда ички ва ташқи бозор чуқур ўрганилади, дизайнерлар маҳоратини ошириш корхонанинг диққат марказида. «Интилганга — толе ёр» деб доно халқимиз бежиз айтмайди. Мазкур корхона мисолида шуни ишонч билан айтиш мумкинки, «Irodan» белгиси махсулотларининг анчайин машҳур бўлишига эришолган корхона ўз нуфузини ушлаб туришнинг ҳам уддасидан чиқяпти. Бунинг замирида меҳнат ва изланиш ётади. Эътиборлиси, «Иродат текс» МЧЖда эътирофга лойиқ анъана мавжуд — корхонада ҳар қандай буюртмани сифатли ва ўз мuddатида адо этишади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА  
Козим Ўлмасов олган сурат



### МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро муносабатларини янада мустаҳкамлаш долзарб аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

давомида ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирларда 17 миллион нафардан зиёд аҳоли қамраб олинди. Ёш авлодни маънан ва жисмонан баркамол этиб тарбиялашга бағишланган кўплаб учрашув, давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказилди. Жамғарма фаолиятида Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асари, фуқаролар йигинлари фаолиятига оид фармон ва қарорлари мазмун-моҳиятини маҳаллаларда кенг тарғиб қилиш муҳим ўрин тутади. Ўтган йили маҳаллаларда бу борада ўтказилган учрашув, семинар ва бошқа тадбирларда минглаб фуқаролар иштирок этди. Фуқароларнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий фаоллигини таъминлашда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Шу мақсадда одам савдосига қарши курашиш бўйича жойларда тузилган 8 мингдан ортиқ жамоатчилик кенгаши томонидан ушбу йўналишда ташкил этилган тадбирларда 710 мингдан зиёд аҳоли, жумладан, ёшлар иштирок этди. Худудий бўлим ва бўлимчалар, фуқаролар йигинлари томонидан одам савдоси қурбони бўлган фуқароларга турли кўмак берилди. Ёшларда терроризм, диний экстремизм, ҳар хил маънавий таҳдидларга қарши курашиш кўнмуқдари ни шакллантиришга қаратилган тушунтириш-тарғибот ишлари мунтазам олиб борилаетир.

Ёш авлодни турли ғоявий таҳдидлар ва «оммавий маданият» таъсиридан ҳимоя қилишда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Мазкур мавзуда ўтказилган давра суҳбатлари ва семинарларда бир миллион нафардан зиёд аҳоли иштирок этгани ҳам буни тасдиқлаб турибди. Маҳаллалар худудларида болалар спорт майдончаларини ташкил этиш ва таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. 2010 йилда мазкур мақсадлар учун жамғарма томонидан 95 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Ийгиликда маҳалланинг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришдаги иштирокига оид вазифалар белгилаб олинди.

(ЎЗА)

Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузаси жойларда чуқур ўрганилмоқда.

### ЁШЛАР КОНЦЕПЦИЯНИ ЎРГАНМОҚДА

Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан Сергели туман ҳокимлигида ташкил этилган тадбир давлатимиз раҳбарининг маърузаси мазмун-моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифаларнинг ижросини таъминлаш масалаларига бағишланди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари масъул ходимлари, ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Президентимиз томонидан илгари сурилган концепция мамлакатимиздаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда янги даврни бошлаб берди. Унда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот соҳасини такомиллаштириш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, иқтисодийни янада либераллаштириш каби долзарб масалалар қамраб олинган. Уларнинг кўлами ва аҳамияти, мазмун-моҳиятини ёшларга атрафлича тушунтириш ушбу вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этишда муҳим аҳамиятга эга. Бу аҳолининг, хусусан, ёш авлоднинг ҳуқуқий маданиятига бевосита боғлиқ. Шу мақсадда Адлия вазирлиги томонидан ёшларнинг конституциявий билимини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамиятдаги ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси билан яшаш туйғусини мустаҳкам қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Тадбирда мутахассислар концепция мазмун-моҳияти, унинг жамиятимизда, хусусан, ёшлар ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

### ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ «НУРОНИЙ» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимнинг кеча ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида ўтган йил якунлари сарҳисоб қилиниб, келгуси режалар белгилаб олинди.

✓ КЕЧА республика Байналмилал маданият маркази томонидан миллий-маданий марказлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ва «Тракторсозлар» маданият саройида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган театрлаштирилган дастурлар намойиш этилди.

✓ КЕЧА Мирзо Улуғбек тумани Болалар ижодиёт марказида «Азамат йигитлар» кўрик-танлов бўлиб ўтди.

✓ ЭРТАГА «Камолот» ЁИХ Шайхонтоҳур туман бўлими Кенгаши ва туман мудофиа ишлари бўлими ҳамкорлигида «Ватан тинчлиги — эл ободлиги кафолати» мавзусида давра суҳбати уюштирилади.

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳайъатининг 2010 йил якунлари ва жорий йилдаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда соҳага оид Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентимиз Фармон ва қарорлари ҳамда ҳукумат қарорларининг солиқ органлари томонидан ижроси муҳокама қилинди.
- Жиззах вилоятида Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрамига тайёргарлик доирасида шаҳар ва қишлоқларда «20 йилликка — 20 тупдан кўчат» шиори остида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошланди.
- Андижон вилоятининг Шахрихон туманида «Камолот шабадаси» хусусий корхонаси иш бошлади. Бу ерда ёш тадбиркор Улуғбек Каримов замонавий технология асосида парранда парварлигини йўлга қўйди. «Ҳамкорбанк» туман бўлимнинг молиявий кўмагида иш юритаётган корхонада 20 мингта товуқ боқилмоқда.
- Ҳазорасп туман халқ таълими бўлимида умумтаълим мактабларида чет тилларни ўқитишни такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.
- Вобкент туманидаги «Наршахи Аҳмад Амон» масъулияти чекланган жамиятида маҳаллий хом ашёдан пластик қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхонада ўтган қисқа мuddатда дастлабки 20 миллион сўмлик махсулот тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди.
- Бойсун тумани Шўрсой қишлоғидаги 150 та хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди. Бу хайрли иш учун «ЭКОСАН» халқаро фондининг салкам 34 миллион сўмлик маблағи сарфланди.
- Гулистон шаҳрилик тадбиркор Ойбек Сотиболдиев «Бунёдбек-Нилуфар» хусусий корхонасини кенгайтириб, қандолатчилик махсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди. Кўшимча 9 та янги иш ўрни яратилган корхонада дастлабки 30 миллион сўмлик махсулотлар тайёрланиб, ички бозорга чиқарилди.

### ЖАҲОНДА

- Тунисдаги тартибсизлик янада авж олиб, вазият издан чиқиб кетди. Мухолифат билан амалдаги ҳукумат тарафдорлари ўртасидаги тўқнашувларда асосан тинч аҳоли ҳалок бўлмоқда. Мамлакатнинг собиқ президенти бундан бир неча кун аввал бир ярим тоннадан ортиқ олтинни олиб, Саудия Арабистонидан бошпана топган.
- Дастлабки маълумотларга кўра, 2010 йилда бутун дунё бўйича нефть истеъмоли 1,9 фозга ошган.
- Бразилиянинг жануби-шарқий худудларида тинимсиз ёққан ёмғир туфайли юз берган сув тошқинлари катта талафотларни келтириб чиқарди. Яъни, 655 киши ҳаётдан кўз юмган, 120 та одам бедарак йўқолган, 13 минг киши бошпанасиз қолган. Тошқин қурбонлари хотираси учун мамлакатда бир ҳафталик мотам эълон қилинди. Маълумотларга қараганда, тошқин туфайли мамлакат иқтисодийга 461,5 миллион АҚШ доллари миқдорида зарар етган.
- Покистон шимоли-ғарбида жойлашган Қоҳат шаҳрида кўпорувчилар микроравтобусни портлатиб юборишди, натижада ўн олти киши ҳаётдан кўз юмган, 9 та йўловчи жароҳатланган. Маълумотларга кўра, автобусда ўрнатилган бомбанинг қуввати тротил эквивалентида 10 килограммни ташкил этган.
- Гаитида вабо эпидемияси қурбонлари сони 3838 кишига етди.
- Японияда кузатилаётган кучли қор бўронлари кўплаб ноқулайликларга сабаб бўлмоқда. Табиатнинг бу инжиқликлари боис уч киши ҳаётдан кўз юмган, шунингдек, ҳаво ҳароратининг кескин пасайиб кетиши туфайли Япон денгизи, Хонсю оролининг шимолий худудларида транспорт воситалари ҳаракати издан чиққан. Таъкидлаш жоизки, баъзи тоғли минтақаларда ёққан қорнинг қалинлиги ҳатто 3 метрдан ҳам юқори экан.

**Ўзбекистонда мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш, макроеқтисодий барқарорликни таъминлаш, барқарор иқтисодий ўсиш суратларига эришиш, иқтисодий ва жамият ижтимоий ҳаётини мувозанатли ривожлантириш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини оширишга йўналтирилган кенг қамровли ислохотлар ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бу борада 2011 йилга мўлжалланган солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари давлатимизда солиқ ва мажбурий тўловлар ставкаларини пасайтириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар барқарор иқтисодий ўсишнинг ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг асосий омилларидан бўлиб ҳисобланади.**

Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2011 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари, ўз навбатида, бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади. Бу борада 2010 йил 25 декабрдан кунга қирган «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2011 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун солиқ сиёсатининг тасдиқланган концепциясини рўйбга чиқаришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади десак, муболаға бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун Солиқ ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга, шунингдек «Бож тарифи тўғрисида»ги, «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуларга ўзгариш ва қўшимчалар киритишни назарда тутди. Чунончи, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган 49<sup>9</sup> ва 175<sup>9</sup>-моддаларда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тўлаш мажбуриятининг бўйин товланганлик учун мансабдор шахсларга, ходимлар сонини аширганлик учун иш берувчи сифатида юридик шахсларнинг мансабдор шахслари ва яққа тадбиркор сифатида фуқароларга маъмурий жавобгарликни белгилайдиган янги қоидалар ўз ифодасини топди. Албатта, ушбу моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилиши, ўз навбатида иш берувчилар томонидан меҳнатга доир қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилишда масъулиятини янада ошириш имконини беради.

«Бож тарифи тўғрисида»ги Қонуннинг 6 ва 33-моддаларига Солиқ кодексининг меъёридан биранга олдирилган қисмида 2011 йил учун мўлжалланган солиқ сиёсати концепцияси талабларидан келиб чиқиб, тегишли ўзгаришлар киритилди. Маълумки, Солиқ кодексининг 27-моддасига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари Ўзбекистон Президентини қарори билан белгиланади. Шу боисдан «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонунда мажбурий тўловларнинг турларидан бири – импорт ва экспорт божхона божларининг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланиши назарда тутилди.

Таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг аввалги тахририда бюджет маблағлари ҳисобига олиб келинадиган товарларни импорт қилишда қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёз 2005 йилда ўз кучини йўқотган эди. Эндиликда бож ундиришдан озод қилишда қўланиладиган имтиёз бюджетдан таъминланадиган ташкилотлар томонидан (ёки уларнинг буюртмалари бўйича) бюджет маблағлари ҳисобидан ўз эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб қилинадиган товарларга нисбатан қўланилмаслиги белгиланди.

Солиқ кодексининг 86-моддасига мувофиқ солиқ тўловчи молия-ҳўжалик фаолиятининг режадан ташқари солиқ тек-

шируви (тафтиши) юридик шахс тугатиладиганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки ҳукумат қарорларидан келиб чиқувчи текширувларни ўтказиш зарур бўлганда; давлат солиқ хизмати органига солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари солиқ тўловчи томонидан бузилганлиги ҳоллари ҳақида қўшимча маълумотлар тушганда ўтказилади. «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгаришлар кўра, режадан ташқари текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан текшируви ўтказиш зарурати ҳукумат қарори билан бир қаторда Ўзбекистон Президенти қарорлари-

**Қонун ва ижро**

**СОЛИҚ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР**

дан келиб чиққанда ҳам ўтказилиши мумкин.

Маълумки, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг айрим турлари бўйича уларни тўлашнинг базавий миқдорлари белгилаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида қарорлари қабул қилинмоқда. Мазкур тартиб-таомиллардан келиб чиқиб, Солиқ кодексининг 28-моддаси «Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда айрим турдаги солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқаришда уларнинг тўлиғини лозим бўлган энг кам миқдори белгиланади» мазмунини тўғридан тўғри қисм билан тўлдирди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта янгилашга иқтисодий ўсишни ва корхоналарнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим омилли сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу ишларнинг мантйқий давоми сифатида эски жиҳозларни янги жиҳозларга алмаштиришни рағбатлантириш мақсадига 2011 йил учун мўлжалланган солиқ сиёсати концепциясида тўлиқ амортизация қилинган жиҳозни сотишдан олдин даромадлар, шу жумладан қўшимча баҳолаш суммаси солиққа тортилмаслиги белгиланди. Бундан ташқари, солиқ маъмуричилигини соддалаштириш мақсадига давлат мулкни ижарага бериш бўйича хизматлар қўшилган қиймат солиғидан озод этилишини назарда тутувчи қоида ҳам кодексда ўз ифодасини топди.

Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳар бир мамлакатнинг олдига маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Зеро, мазкур ҳолат бир томондан иқтисодий ўсиш суръатларини таъминласа, иккинчи томондан аҳоли бандлигини таъминлайди. Шу боисдан мамлакатимизда ички бозор эҳтиёжини таъминлай оладиган ҳажмларда тайёр дори воситалари, ишлаб чиқарилаёт-

ган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича давлатимизга олиб қилинадиган тайёр дори воситаларини қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш бўйича амалдаги имтиёزلарни бекор қилиш юзасидан Солиқ кодексига тегишли қўшимча киритилди. Мазкур қонуннинг киритилиши, ўз навбатида мамлакатимиз дори воситаларини ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлайди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда хорижий давлатлар, уларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукуматига қарашли ташкилотлар томонидан берилган грант маблағлари, ҳукумат томонидан белгиланган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари томонидан берилган грант маблағлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида берилган грант маблағлари мақсадли ҳисобланиб, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун мўлжалланмаган. Мазкур тартиб-таомилни инобатга олиб, Солиқ кодекси 308-моддасининг 7-банди сифатида таъкидлаб ўтилган грант маблағлари ҳисобига олинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ягона ижтимоий тўлов ва сугурта бадалларидан озод этишни назарда тутувчи қоида ўз ифодасини топди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шaroитлар яратиш, ишчанлик муҳитини тақомиллаштириш, палата аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш, тадбиркорларнинг чет эллик шериклар билан алоқаларини йўлга қўйишга қўмаклашиш бора-бора бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Савдо-саноат палатаси – палата аъзоларининг манфаатларини қўлаб қўйишнинг асосий юзасидан, шунингдек давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (харакатсизлиги) устидан палата аъзоларининг манфаатларини қўлаб қўйишнинг шикоятлар бўйича умумий юрисдикция судлари ҳамда ҳўжалик судларида давлат божини тўлашдан озод этилиши билан боғлиқ имтиёз Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўз аксини топган. Эндиликда ушбу имтиёз Савдо-саноат палатасининг худудий бошқармаларига ҳам қўлланилиши белгиланди.

Таъкидлаш ўринлики, мамлакатимизда деҳқон (озик-овқат) бозорлари, ихтисослаштирилган ва буюм бозорлари (савдо комплекслари) фаолиятини бошқариш тизимини янада тақомиллаштириш, улар томонидан қўрсатиладиган хизмат турлари ва ҳажмларини кенгайтириш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, бозорлар ва савдо комплексларида пул оқимлари тўлиқроқ ҳисобга олинишини таъминлаш, шунингдек сифати паст, қалбаки ва контрабанда маҳсулотлари сотилишига йўл қўймаслик мақсадига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган эди. Мазкур меърий-ҳуқуқий ҳужжат талабларидан келиб чиқиб, Солиқ кодексига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, бозорларнинг бошқа тўшумлари жумласига ижара тўловида олинган даромадлар, шунингдек бозор маъмурияти томонидан амалга оширилмайдиган қишлоқ ҳўжалиги товарларини тайёрлаш, харид қилиш ва реализация қилишдан олдин даромадлар (деҳқон бозорлари учун) қириши, бунда реализация қилинган товарларнинг харид қиймати билан сотиш қиймати ўртасидаги фарқ даромад эканлиги белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу қонуннинг ҳаёта татбиқ этилиши мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш суръатини янада оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Нурриддин НАРМАТОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдори қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори, **турук раҳбари, юридик фанлари доктори**

**Иқтисодиёт**  
**МУНОСИБ ҲИССА**

**Касаначилик асосида хотин-қизларни иш билан таъминлашда пойтахтимишда фаолият кўрсатаётган «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамиятининг муносиб ўрни бор.**

Бу борада жамият ишчи-хизматчиларига Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперация кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосий дастуруламал бўлмоқда. Ҳозирда мазкур жамоада 40 нафардан зиёд касаначи меҳнат қилиб, хондонларидан буюртмаларини бажараётган чорварларга барча шароитлар яратиб берилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, корхонада кейинги йилларда ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, маҳсулот турлаи ҳам кўпайди. Энг муҳими эса цехларда замонавий машиналар қувватини ишга солган ҳолда тикилаётган миллий маҳсулотларга хорижий харидорлар ҳам қизиқишмоқда. Пополчи-чеварлар томонидан тайёрланаётган сўзана, эдвор, чойшаб, бадийи каштачилик буюмлари, тикув маҳсулотлари нафақат ўзига хос дизайни, балки ранг-баранг ипақлардаги жилоси, сифати билан ҳам ажралиб туради.

Чеварлар тайёрлаб бераётган маҳсулотлар орасида Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг байроқлари ҳам ўзига хос ўрин тутди. Мамлакатимиз ризи саналган давлат байрогини тайёрлаш тадбиркорлар зиммасига катта масъулият юклайди ва бу вазифани сдққидилдан бажараётган жамоа аҳли сифатга эътибор қаратилади. Энг муҳими байроқ тайёрлаш учун талабар даражасидаги мато ва бошқа хом ашёлардан фойдаланилади. Унинг давлат стандартларига мос бўлишига эътибор билин ёндашилади.

Ўтган йилни муваффақиятли якунлаган корхона чевар ва пополчилари Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йиллида янги маҳсулот турларини харидорларга етказиб бериш устида изланишмоқда.

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА**

**Харидор талабини қондириб, сифати ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жорий этишда корхоналардаги маркетинг ишларининг янги йўлга қўйилганлиги муҳим аҳамият касб этади.**

Германия компаниясининг сармоиялари асосида тшқил этилган «Техноинвест-СТ» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонада бунга тўла иал қилинганлиги, яъни маркетинг ишлари жадал олиббoриладигани, ички ҳамда ташқи бозор қўқур ўрганилётгани ўз натижасини кўрсатмоқда. Шу йўсинда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар харидорини толаётгани бис ҳам йил сайин ишлаб чиқариши йўқсалишмоқда, маҳсулот турлари кўпаймоқда.

Европанинг етакчи давлатлари компания ва фирмаларида ишлаб чиқарилган технологик жиҳозлар билан таъминланган мазкур корхона Марказий Осиёда ягонқўп тармоқли мажмуа ҳисобланади. Республикаимиз бозирда ойнани қайта ишлаш бўйича етакчилар қаторида биган корхона маҳсулотларига бугунги кунга талаб юқори Бунинг асосий боиси маҳсулот турларининг талаб вақалифлар асосида тез-тез янгиланиб туриши, Европандозаларига тўла жавоб бериб, четдан келтирилмаган товарлар билан бемалол рақобатлаша олиши, замонавий дизайни ва кўркамлигидир. Шунингдек, жамоадамаланган малакали мутахассисларнинг билим ва маҳорати буюртмаларни қисқа фурсатларда сифатли удалла беришда қўл келмоқда.

Буюртма асосида ишлаётган тадбиркорлар янги эийҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этишга эришмоқдаки, уларнинг ҳар бири бозорда харидорини топомқда. Ҳергияни тежайдиган ойна қатламлари, текис ва эгилчан, ламинатланган, меъморчиликда қўлланиладиган ойнамаҳсулотлари шулар жумласидандир. Шунинг баробарида ойнага бадийи беэак бериш, илгор технологиялардан фойдаланиб бадийи витражлар, мебель ишлаб чиқриш, пластик ром ва алюминий йиғмалар тайёрлаш йўналишларида ишлар ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Яққа тартибдаги муратмаларни бажариш ҳам йўлга йилган бўлиб, бу харидорларга манзур бўлмоқда.

Жорий йилда ҳам яна бир неча янги лойиҳани малга ошириб, маҳсулот турларини кўпайтириш кўза тутилган.

**ТИББИЁТ МАСКАНЛАРИ УЧУН**

**Юртимизда тиббиёт соҳасидаги ислохотларнинг самарали олиб борилаётганини барча қулайликларга эга бўлган, замон талабларига мос саломатлик масканлари бунёд этиляни ва уларнинг инсон соглигини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилуни ускуналар билан жиҳозланаётганини, малакали тиббиёт ходимларини тайёрлашга қаратилган эътиборда яққол кўриш мумкин.**

Тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун фойдланиладиган мебель маҳсулотларининг қўлаб замонавий турлари ўзимизда тайёрланаётгани эътиборга лойқидир. «Тиббиёт мебель» масъулияти чекланган жамиятининг фаолият бошлаганига қўп вақт бўлмасда, тадбиркор жамоа аҳли томонидан ишлаб чиқарилаётган мебель ва инвентарлар турлари ортиб, сифати юқорилиги билан буюртмачиларни жалб этапти.

Илк фаолиятини 20 нафардан зиёд ишчи-ҳиматчи билан бошлаган жамоада ҳозирда 80 нафарда ортиқ малакали мебелос усталар ва мутахассислар меҳнат қилмоқда. Маҳсулот турлари эса 100 хилдан қўп, ларни яратишда моҳир дизайнерлар ишлатилади, буюмчиликларнинг талаб ва тақлифларини инобатга олинади, орхонада ички ва ташқи бозорни ўрганиш асосида ишлаб чиқарилаётган мебель ва анжомлар сифати, муаҳкам ва қулайлиги билан ажралиб туради. Энг муҳими эса давлат стандартларига мос мазкур маҳсулотларинсон саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида қўлланиладиган.

**Шарофат БАҲРМОВА**

**Транспорт**

**ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ ИЖОДКОРЛАРИ**

**Тошкент метрополитени пойтахт йўловчи ташиш корхоналари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шаҳар аҳолиси ва меҳмонларнинг транспортга бўлган эҳтиёжини қондиришда метрополитеннинг алоҳида ўрни бор.**

Бугунги кунда метрополитен таркибида уч йўналиш ва икки электрдепоси ҳамда ҳаракат таркибини таъминлаш ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи депо мавжуд. Яқин келажакда ер остида ҳаракатланаётган вагонларни янада самарали таянч электр ўтказгичлар, вагон жиҳозлари, замонавий бошқарув тизимини тараққий эттиришга эришилади. Шунингдек, ушбу жараёнда салонлар дизайни бўйича модернизация ишлари олиб борилади.

Технологик жиҳозлар ва ускуналарнинг бир маромда ишлашини таъминлашга техника ижодкорлари муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Чиндан ҳам рационализаторлик ҳаракати ривож топиб, самарадорликка эришилмоқда.

Режа асосида ишлаб чиқаришга қўлаб рационализаторлик тақлифлари жорий этилиб, иқтисодий самара янада ортди.

Бундан ташқари эҳтиёт қисмларни ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳаллийлаштириш дастури бўйича олинган мажбуриятлар техника ижодкорлиги ҳисобига ортиги билан удаланмоқда. Режага асосан ташқаридан келтириладиган эҳтиёт қисмларнинг аксарияти эндиликда ўзимизда тайёрланиб, корхона сармоияси тежалмоқда.

Маҳаллийлаштириш режасига кўра жами 600 га яқин деталь ишлаб чиқарилиб, 590 минг сўм тежалди. Бу каби эҳтиёт қисмларнинг аксарияти метрополитен эҳтиёжлари учун татбиқ қилинди.

**Аҳмад ОБИДОВ**

**ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ**

**Ўзбекистон Касаба уюмлари федерациясида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-интеллектуал ҳуқуқлари муҳофазасини оммавий ахборот воситаларида ёритилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан жорий йилда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-интеллектуал ҳуқуқлари муҳофазасини оммавий ахборот воситаларида ёритилиши борасидаги масала муҳокама қилинди. Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида қишлоқларда ишлаб чиқариш корхоналари сони, янги иш ўринлари олдинги йилларга нисбатан кескин кўпайиб бораётганлиги эътироф этилди. Қишлоқда янги иш ўринлари яратишда банк кредитлари билан бир қаторда бандликка қўмаклашувчи жамғарма маблағлари ҳам

йўналтирилмоқда. Федерация ҳамда унинг муассислигида чоп этилаётган «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари тахририяти томонидан журналистлар, касаба уюшма ташкилотлари ходимлари ўртасида аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Инсонга наф келтириш – олини бхт» танлов бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилаётди. Анжуманда мазкур танлов голиб ва совриндорлари тақдирланди.

**Азима ҚИЁСОВА,**  
**«Туркистон-пресс»**

**Мамлакатимизда телекоммуникация тармоғини ривожлантиришда илмий-ишлаб чиқариш муассасалари салмоқли ўрин тутмоқда. «Коинот» илмий-ишлаб чиқариш уюшмаси эса ўз фаолиятини давлат корхонаси сифатида бошлаган эди. Мана шунга ҳам 40 йил бўлди.**

**ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ**

Маълумот учун шуни эслатиб ўтишни лозим топдикки, 40 йиллик фаолият давомида корхона номи бир неча бор ўзгарди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимига ўтказилган, ахборот-коммуникация технологиялари воситалари мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқарила бошланди.

Бу ерда замонавий ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган коммуникация қурилмаларини яратиш йўлга қўйилди. Тошкент вилояти Янгийўл туманининг «Озод» қишлоғида коммуникация қурилмаси ўрнатилиб, илк синовдан ўтказилиб, ана шу «Коинот» Эл-СГМ» қурилмаси техник томондан батафсил ўрганиб чиқилди ҳамда унинг «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси томонидан



«Ўзэлектроаппарат-Электрошит» қўшма корхонаси ички бозорни 65-70 фоиз электротехника маҳсулотлари билан таъминлаш баробарида, мамлакатимиз экспорт салоҳияти юксалишига ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.

**МАНФААТЛИ МУЗОКАРАЛАР**

**«Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компаниясида «Жапан Гас Сорпоратион» делегацияси билан музокаралар бўлиб ўтди.**

«Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компаниясида «Жапан Гас Сорпоратион» (ЖСГ) компаниясининг минтақавий сотувлар департаменти катта менежери Хироаки Яно бошчилигидаги вакиллари билан музокаралар олиб борилди. Компания матбуот хизматининг хабар қилишича, учрашув давомида Ўзбекистонда ёнвучи сланецлар конларини ишлаш соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

**«Туркистон-пресс»**

**Акбар АЛИЕВ**

**Аёл зотини улуглаш, унга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш эзгу ва хайрли анъанага айланган ва маънавий ҳаётимиздан чуқур жой олган. Зеро, аёлни улугламоқ — оилани, Ватанни, ҳаётни улугламоқдир. Шу маънода аёлнинг улуглиги, чексиз меҳр-муҳаббати, гўзаллиги ва латофатини тараннум этмаган шоирну санъаткорни учратиш мушкул.**

Буюк бобомиз Алишер Навоий ижодида ҳам бетакрор фазилатлар соҳибаси мадҳи алоҳида ўрин тутди: **Онларнинг оёғи остидару Равзаи жаннату жинон боғи. Равза боғи висолин истар осанг, Бўл онанинг оёғи туфроғи.** Дарҳақиқат, аёл деганда, кўз олдимизда авваламбор азиз ва мукаррам Она сиймоси намоён бўлади. Барчамизни бу ёруғ оламга келтирган, оқ сути, меҳру муҳаббатини бериб воёга етказган мунис оналаримизга ҳар қанча таъзим қилсак, уларни ҳар қанча улугласак ҳам.

Она ва Ватан сўзларини бир-бирдан айро тасаввур этиб бўлмайди. Бу икки муқаддас сўзни ҳар доим уйғун тасаввур этамиш, биргаликда тилга оламиз. Она сўзи билан тилимиз чиқиши ҳам илоҳий бир ҳодиса эканлиги аниқ.

Президентимиз Ислоҳ Каримов гоёси ва ташаббуси билан пойтахтимизнинг бош майдонидидаги Муस्ताқиллик монументи олдида фарзандини бағрига босиб турган Бахтиёр она сиймосини муҳассам этган ёдгорлик жой олди. Узининг чуқур ва кенг маъно-маъмуни билан барчамиз учун азиз бўлган икки муқаддас кадрини муҳассамлаштирган ушбу мажмуага Муस्ताқиллик ва эзгулик монументи деб ном берилгани халқимизнинг аёл зотида бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.

Муस्ताқиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадли муҳим вазифага олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Бу соҳада зарур ҳуқуқий асос яратиш ва уни янада тақомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, иш билан таъминлаш, соломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш, оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш, тadbиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Мамлакатимизда рўй бераётган буюк ўзгаришлар, ҳаётимизнинг барча жаҳалларини қамраб олган ислохотларда хотин-қизларнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда. Уз ақлу заковати, билими ва истеъдоди, меҳнатсеварлиги ва шижоати билан оилада, давлат ва жамият бошқарувида, тиббиёт, таълим-тарбия, маданият, спорт ва илм-фан тараққиётида, фермерлик ҳаракати ва касаначилик, кичик бизнес ва тadbиркорликни ривожлантиришда аёлларимиз катта муваффақиятларга эришмоқдалар.

Аёлларимиз ўзларининг ақл-идроқи билан ҳар бир оила, ҳар қайси маҳалла ва бутун юртимизда аҳиллик, меҳроқибат, самимият ва поклик муҳитини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшиб келаётир.

**Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида юртимиз тинчлиги ва оқойишталигини таъминлаш йўлида хизмат қилаётган ҳарбийларни, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган йигитларни ҳамда шу касбни танлаган ёшларни муносиб рағбатлантиришга, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда.**

## ИМТИЁЗ ВА РАҒБАТ ИЗЛАНИШГА УНДАЙДИ

Бу борадаги кенг қўламли ишлар самаралари ҳарбий таълим муассасаларида ҳам ўз ифодасини топаётди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 17 февралда қабул қилинган «Ҳарбий академик лицейлар фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бунда муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатга асосан ҳарбий академик лицейлар битирувчилари Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари ҳамда Давлат боқжона қўмитаси тасарруфидаги олий таълим муассасаларига ўқишга киришда тест синовларида тўпلاميш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 10 фоизи миқдориди қўшимча балл олиш имтиёзига эга.

Утган йили жойлардаги ҳарбий академик лицейларни битирган қўллаб ёшлар ана шу имтиёздан фойдаланган ҳолда олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириди.

— Уғлим Алишер болалигидан ҳарбий офицер бўлишни орзу қиларди, — дейди пойтахтимизнинг Олмазор туманида яшовчи Зухра Иноятова ўА мубҳрига. — Тўққизинчи синфни битиргач, ҳарбий телекоммуникация йўналишидаги Тошкент академик лицейига

Ўзбек аёли деганда, энг аввало ибодат эгалари кўз ўнгимизда гавдаланади. Халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган қўллаб улуг молларимизнинг номини ҳамиша эҳтиром билан тилга олишимиз, ибрат сифатида кўрсатишимиз бежиз эмас. Зотан, шу буюк аёлларга хос олижаноб фазилатлар бугун мунис ва лобар қизларимиз, оқила аёлларимиз сиймосида давом этмоқда.

Аммо аёлларимиз шаънига доғ бўлаётган баъзи иллатларнинг кундалик ҳаётимизда ҳамон учраётгани кўнгилни хижил қилади. Биз ҳаёт суръатлари беқиёс даражада тезлашган гло-

вонранг шарчаларга қараганда Янги йил байрами томошаларидан қайтишяпти. Қандай бахтли одамлар-а, бахтли жуфтлик, бахтиёр болалар! Ана шу сурурнинг бир лаҳзасига бутун умримни алмашишга ҳам тайёрман, деган ўй ўтади унинг хаёлидан. Аммо бунинг иложи йўқ.

Бедаво дард — ОИТСга чалинган Ҳилола ақинларидан йироқда, дори ҳақи деворларига ҳам сингиб кетган хастахонада сўнгги кунларини кутмоқда. У тошойнадаги мажруҳ қиёфаси, салқинган ранглар юзи, маънисиз кўзларига қарар экан, ўзидан, ўттиз йиллик умридан, қилган ишларидан

## Юксак маънавият — энгилмас куч ОЛТИН ЗАНГЛАМАСИН

баллашув даврида яшамоқдаим. Бундай шароитда одам ўз мушакл фикрига, соғлом негизда шакланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, турли маънавий таҳдидларга, миллатимизга ёт таъсирларга бардош бериши кийин.

«Биз юртимизда янги ҳаёт асосларини барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган гоъвий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак», деб ёзади Президентимиз Ислоҳ Каримов «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида.

«Оммавий маданият» ниқоби остида ахлоқий бузуқлик ва эърозонлик каби иллатларни тарқатиш, халқимизнинг узоқ тарихга эга аъна ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига дарз етказишга қаратилган ҳаракатлар кишини ташвишлантиради.

Миллатимиз зийнатига таом текари бўлган урфлару-ғуналар орчано-мус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва ифбат каби юксак ахлоқий тушунчаларимизга путур етказишга уринаётгани ҳам ана шу маънавий таҳдидлар билан боғлиқдир.

...Янги йил арафаси. Дарахларда қолган яккам-дуккам жонсиз япроқларни изғирин шамол беаёв тортиқлайди. Қовоғи уюлган осмон шифохона деразасидан кўчага мажолсиз қоқётган Ҳилоланинг сикилган юрагини баттар эзади. Бетўхтов ҳаракатдаги йўловчиларга қараб, унинг ҳаваси келади. Эрталаб сеvimли ишига, кечда оиласининг илиқ бағрига шошилган одамдан бахтли киши борми? Ногоҳ етти-сакки ёшдаги ўғли ва жажжи қизалогини етаклаганча кетиб бораётган мамун қиёфадаги ота-онага кўзи тушади. Болаларнинг қўлидаги бодрок ва ал-

нафратланиб кетди. Аммо сўнгги пушаймон — ўзинга душман...

Халқимизда «саёқ юрган таёқ ер», деган нақл бор. Ҳилоланинг болалигидаги эркаликлари, балоғат остонасидаги меъеридан ортққ тунги сайрлари, юрагиди кетма-кет уйғонган биринчи, иккинчи, учинчи... «севги»лари яхшиликка олиб келмади. Бир йўла бир неча йигитни «севиб», қўлма-қўл бўлган Ҳилола оқибатда ҳеч кимсиз қолди. Ҳар доим илиқ эътибор оғушида бўлиб келган қизга бу ўз таъсирини ўтказди, иродаси бўшлиқ килди — этагини вақтида ёпа олмади.

Маълумотларга қараганда, фоҳишалар орасида одам савдоси қурбонига айланганлар кўпчиликни ташкил этади. Одамфурӯшлар аксарият ҳолларда ус-талик билан кишилар ишончини қозона олиш қобилиятига эга бўлиб, аёллар руҳиятини яхши ўзлаштирган, ҳаётиндан норози қизларни осонлик билан илгайди.

Пойтахтимизда яшовчи Сабина ҳам ана шундай уста қаллоб тўрига илинди. Ҳавойи орзуларга берилган бу қиз уни отасиз, минг азобда воёга етказган онаизорининг дод-войига қарамай, чет элга ишга — официанткаликка кетадиган бўлди. Фароғатга тўла ҳаётга ўчлигидан бораётган мамлакатидидаги шароит, у ерда қандай шартлар асосида ишлаши, бу қонунийми, йўқми — қизиқиб ўтирмади. Оқибатда хали ўн гулидан бир гули очилмаган Сабина хорихда беғона тўшакларда эрмак бўлди: фоҳишалик билан шуғулланиб, эгаларига жарак-жарақ пул келтиришга мажбур этилди.

Маълум мuddат ўтгач, ҳуқуқ-тартибот органларининг саъй-ҳаракатлари билан ўз юртига қайтарилди, уни пуллаганлар жавобгарликка тортилди. Аммо Сабина одатдаги ҳаётга киришиб кета олмади. Бунга, биринчидан, ён-атрофдагиларнинг унга жирканиб муносабатда бўлгани сабаб бўлса, иккинчи томондан оғир меҳнатга бўйини ёр бермади, иродаси бўшлиқ қилди — яна эски «касби»га қайтди.

Олим ТўРАҚУЛОВ, ЎЗА шарҳловчиси

## БИЛИМДОНЛАР СИНОВИ

**Олмазор туманидаги 298-умумтаълим мактабиди 5-синф ўқувчилари ўртасида тарих фанидан «Тарих — миллат маънавиятининг асосидир» мавзусида билимлар синови ўтказилди.**

«Январь — тарих ва ҳуқуқ фани ойлиги» муносабати билан ташкил этилган тadbирда ўқувчиларнинг тарих фани борасидаги билимлари синовдан ўтказилди. Шунингдек, тайёрланган слайдлар асосида буюк бобокалонларимиз ҳаёти билан янқанган таништирилди.

Тadbирда устоз ўқитувчилар бугунги кунда барча талабаларга жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукамал, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга миллий армиямизни барпо этиш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилганини ўқувчиларга гапириб беришди. Бунинг самараси ўлароқ ҳарбий хизмат нафақат бурч, балки садқот, матонат ва жасорат мактабига, том маънодаги шарафли ишга, миллий армиямиз юртимиз ҳудудий айлантилиши ва халқимиз оқойишталигининг ишончли қафолатига айланганини таъкидлашди. Билимдонлар синовида 14 январь — Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан тузилган ҳарбий савол-жавоблар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

— Гурӯҳимиз томонидан «Ватанга қасамед» ҳайкалининг тузилиши, мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берувчи слайд ва кўргазмалар қуроллар тайёрланди, — дейди мактабнинг 5-синф ўқувчиси Саиджавлон Азимов «Туркистон-пресс» мубҳрига. — Ҳай-қалда азамат ўғлон давлатимиз тисмоли — байроғимизни кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси учун, ота-боболаримиз хоки оқойиш топган қутлуғ заминнинг ҳар қарич тупроғини асраш учун тайёрман, деб тиз чўкиб қасамед қилаётгани ифода этилган. Унинг елкаси узра эса ана шу мард ва жасур ўғлонга оқ сул берган, бағрида кўтариб воёга етказган, Ватан тисмоли — мунис ва мўътабар она ҳарбий хизматга отланган азиз фарзандига фотиҳа бериб, оқ йўл тиламоқда. Беллашув баҳона мамлакатимизнинг олис ўтмиши, асрлар силсиласидан омон қолиб келаётган бой тарихимиз, эрк ва ҳуррият учун курашган инсонлар жасорати ҳақида маълумотларга эга бўлди.

Танловда фаол иштирок этган Саиджавлон Азимов, Насиба Пайзиева, Ирода Хурсандова ва Абдуллазиз Абдунабиев каби бир қатор истеъдодли ёшлар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Азима ҚИЁСОВА

## Фан

## ИСТИҚБОЛЛИ ТАКЛИФЛАР

**Бугунги кунда электр энергияси манбаларининг муқобил тизимини яратиш дунё миқёсидаги долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Тошкент давлат техника университети энергетик олимларининг изланишлари бу соҳа ривожиди салмоқли ўрин тутмоқда. Экологик тизим тараққиётини таъминлаб, қуёш энергияси ҳисобида яшашни йўлга қўйишга оид тадқиқотлар ҳам бирин-кетин ўз самарасини бераётди.**

Қудратли аккумуляторлар ёрдамида энергияни тежаш ҳам кун тартибиди турибди. Олинган дастлабки маълумотларга кўра, 2030 йилга бориб, энергия истеъмоли 90 фоизга ортиши мумкин. Бунда глобал исшдан сақланиб қолиш учун қатор техник воситалардан фойдаланишга тўғри келади. Махсус асоблар ўрнатиш ёрдамида совутиш, ёритиш тизимлари энергия билан таъминлайди.

Маълумки, баъзи техник ускуналар қуёш нуриини фотозлементлар орқали электр энергиясига айлантириш имкониятига эга. Айниқса, транспорт тизимида бундай жараён қўл келмоқда. Қўриниб турибдики, қуёш энергияси билан ҳаракатланувчи автомобилларнинг аҳамияти катта.

Мутахассис олимлар яна қатор таклифларни илгари сурдилар. Жумладан, қуёш нуриин электр энергиясига айлантирувчи уй қўринишидаги қурилмаларни жорий этиш фермер ҳўжалиқларида, дала шароитларида катта қўлайлик яратиши турган гап.

Олий ўқув юрти механик олимлари яна қатор илғор тавсияларни амалиётда қўллаш мумкинлигини исботладилар.

## НОЁБ ЭКСПОНАТЛАР

**Марказий Осиё ер ости бойликлари асосида тўпланган топилмаларнинг ўзи бир дунё. Кейинги йилларда улар сони яна бир мунчага ортди. Геолог олимларнинг самарали изланишлари натижада ўлароқ қўлга киритилган бу каби осори-атиқаларнинг аксарияти ноёб минерал ва кристалларни ташкил этади.**

Тошкентдаги Геология музейига ташриф буюрган томошабинлар бундай ашёларни қўриб завқ олади. Бинобарин, музей экспозициясида ҳозир 32 миңдан ортққ топилмалар намоиш қилинмоқда. Ер сайёрасининг умум-физикавий ва геологик бойликлари ноёб экспонатлар янглиғ музейнинг бешта доимий кўргазмасидан жой олган. Тоғ жинсида темир бўлади деган фикрни исботловчи турли шаклдаги топилмалар орасида «динозавр суяги» ҳам эътиборни ўзига тортади.

Тошкент вилояти ҳудудидан топилиб, ноёб экспонат қўринишида намоиш қилинаётган ушбу тана суякларидан бундан 100-120 миллион йиллар илгари яш: ан динозаврга тегишли эканлигини мутахассислар аниқлашди. Шу боис музей мавқеи ортиб, халқаро миқёсда яхши танилди. Тўла ҳолда топиладиган «динозавр суяги»нинг дунё бўйича жуда кам эканлиги геология фанида қайд этилган.

Ана шу ноёб экспонат атрофида уюштирилаётган давра суҳбатлари айниқса ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси саъй-ҳаракати билан ташкил этилаётган бундай тadbирлар ёшларнинг геология соҳасидаги билимлари ошишида ўзига хос омил вазифасини ўтамоқда.

Акбар АЛИЕВ

## ЁШЛАР АЛКОГОЛЬ ВА ТАМАКИ ВОСИТАЛАРИГА ҚАРШИ

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Биз ёшлар: алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг истеъмол қилинишига қаршимиз» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва партиянинг «Ёшлар қаноти» ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбатида Марказий Кенгаз аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика Маънавий тарғибот маркази ходимлари, партия «Ёшлар қаноти» фаоллари ҳамда ёш рассомлар иштирок этди.

Давра суҳбатида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, тамаки маҳсулотлари, спиртли ичимликлар ва гиеҳванд моддаларнинг инсон саломатлигига салбий таъсири, ёшларни юксак маънавиятли, миллий аънава ва қадриятларимизга ҳурмат, ўз халқига садқот руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қўмаклашиш кабилар атрофида муҳокама этилди.

Тadbирда таъкидланганидек, глобаллашув жараёнида аср вбоси ҳисобланган гиеҳвандлик, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ва тамаки маҳсулотлари чекишининг асо-ратлари ҳақида кенг жамоатчилики доимий хабардор этиб бориш жуда муҳим. Ёшларнинг тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларни истеъмол қилиши натижасида турли ирсий касалликларнинг вужудга келаётгани айниқса, муроса қилиб бўлмайдиган ҳолдир.

Ёшлар ўртасида мунтазам равишда ўтказиб келинаётган «Фарзандлари соғлом юрт — қудратли булур», «Соғлом авлод — соғлом келажак», «Биз гиеҳвандликка қаршимиз», «Орт ўлони», «Оила — никоҳ ва тиббий маданият», «Диний экстремизм, терроризм, гиеҳвандлик ва одам савдосига қарши курашиш», «Ёшларни ичкиликдан сарайлик» каби мавзу ва ширлар остидаги тadbирлар, давра суҳбатлари, форумлар ҳамда спорт мусобақалари бу борада муҳим аҳамиятга эга.

Тadbирда иктидорли ёш рассомларнинг ижод намуналари кўргазмаси намоиш этилди.

Эргаш ХўЖАЕВ, «Туркистон-пресс»



Шаҳримизга қўрқ бағишлаётган мухташам иншоотлар  
Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

**Шаҳар муҳити шароитида яшовчи аҳоли сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Урбанизация жараёни натижасида атроф-муҳитнинг экологик ҳолати тубдан ўзгариб, табиий экотизимлар йўқолиб кетмоқда, бу ҳолатлар албатта, янгидан янги муаммоларни келтириб чиқаради.**

Сувларнинг саноат-маиший чиқиндилар билан ифлосланиши ҳам сув этишмаслигининг асосий сабабларидан биридир. Сувнинг ифлосланиши деганда унинг таркибида сифатини камайтирувчи бегона бирикмаларнинг мавжудлиги тушунилади. Қайта фойдаланиш учун ифлосланган ҳар бир саноат ва маиший оқоваларга 10 м<sup>3</sup> ҳажмдаги тоза суви аралаштириш лозим бўлади. Ер усти ва ер ости сувларини ифлословчи манбалар жуда кўп ва хилма-хилдир.

Сувларни ифлословчи асосий манбаларга саноат корхоналари ва маиший ҳўжяликдан чиқадиган оқова сувлар, қазилма бойликларни ишлаб чиқаришдаги оқовалар, нефтни қайта ишлаш корхоналарида ишлатилган чиқинди сувлар, транспортнинг ташланма сувлари, шаҳарларда ҳамда кимёвий воситалар ишлатилган далавлардан оқиб чиққан сувлар, касалхоналар ва чорвачилик комплексларидан оқиб чиқадиган тозаланмаган сувлар ва бошқалар кирди. Нефть ва нефть маҳсулотлари, сунъий ювиш воситалари суви ифлословчи асосий бирикмалар ҳисобланади. Оқова сувларга тушадиган минерал, органик, бактериал ва биологик ифлословчи бирикмалар ажратилади. Минерал ифлословчилар одатда кўм, лой, турли минерал тузлар, кислота ва ишқорлар эритмасидан иборат. Органик ифлословчилар ўсимлик ва ҳайвонларнинг қолдиқлари, инсон ва ҳайвонларнинг физиологик чиқиндиларидан иборат. Бактериал ва биологик ифлословчилар асосан маиший оқова сувларда мавжуддир.

Сувларнинг саноат-маиший чиқиндилар билан ифлосланиши ҳам сув этишмаслигининг асосий сабабларидан биридир. Сувнинг ифлосланиши деганда унинг таркибида сифатини камайтирувчи бегона бирикмаларнинг мавжудлиги тушунилади. Қайта фойдаланиш учун ифлосланган ҳар бир саноат ва маиший оқоваларга 10 м<sup>3</sup> ҳажмдаги тоза суви аралаштириш лозим бўлади. Ер усти ва ер ости сувларини ифлословчи манбалар жуда кўп ва хилма-хилдир.

**Саломатлик — туман бойлик**  
**ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ**

лан ифлословчи асосий манбаларга саноат корхоналари ва маиший ҳўжяликдан чиқадиган оқова сувлар, қазилма бойликларни ишлаб чиқаришдаги оқовалар, нефтни қайта ишлаш корхоналарида ишлатилган чиқинди сувлар, транспортнинг ташланма сувлари, шаҳарларда ҳамда кимёвий воситалар ишлатилган далавлардан оқиб чиққан сувлар, касалхоналар ва чорвачилик комплексларидан оқиб чиқадиган тозаланмаган сувлар ва бошқалар кирди. Нефть ва нефть маҳсулотлари, сунъий ювиш воситалари суви ифлословчи асосий бирикмалар ҳисобланади. Оқова сувларга тушадиган минерал, органик, бактериал ва биологик ифлословчи бирикмалар ажратилади. Минерал ифлословчилар одатда кўм, лой, турли минерал тузлар, кислота ва ишқорлар эритмасидан иборат. Органик ифлословчилар ўсимлик ва ҳайвонларнинг қолдиқлари, инсон ва ҳайвонларнинг физиологик чиқиндиларидан иборат. Бактериал ва биологик ифлословчилар асосан маиший оқова сувларда мавжуддир.

Сувларнинг этишмовчилиги шароитида улардан оқилона фойдаланиш ва оқова сувларни тозалаб, қайта ишлатишни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ривожланган мамлакатларда шаҳарлар ва аҳоли пунктларида сув сарфи жон бошига бир кеча-кундузда 150 литрни ташкил қилади. Сувларнинг мавжуд ўз-ўзини тозалаш хусусияти ифлословчи бирикмаларни бутунлай бартараф этмайди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ичимлик суви махсус давлат стандартлари талабига жавоб бериши керак ва доимий соғлиқни сақлаш муассасаларининг диққат марказида бўлади. Давлат стандарти суви манбалари ва бош суви олиш иншоотларининг санитария муҳфаза тадбирларини уюштиришни талаб қилади.

қилувчи ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини унутмаслигимиз шарт. Тошкент шаҳри ҳудудидан оқиб ўтувчи Бўзсув, Анҳор, Салор, Қорасув, Дамачи, Кайковус, Найман каби каналлар пойтахтимиз микроклимининг сақлашда катта аҳамиятга эгадир. Бу каналлар шаҳримизнинг деярли барча туманларидан ўтади. Каналлар бўйларига жойлашган корхоналар, аҳоли яшайдиган маҳаллалар эса очик сув манбаларига турлича таъсир ўтказадилар. Улар орасида тоза суви ҳавзаларига чиқинди оқова суви ташладиган корхоналар, маҳаллаларда эса оқова сувларни тўғридан тўғри тоза суви манбаларига чиқарилган хонадонлар ҳам йўқ эмас.

Шаҳримиз ҳудудидан оқиб ўтувчи бир қанча каналларни Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитасига қарашли лаборатория ходимлари билан биргаликда жойига чиқиб ўрганиб, текширдик. Ушбу текширилган каналлар икки қирғоқларида корхоналар, маҳаллаларни ташлашмастик, доимий равишда мунтазам равишда таъкидлаб ўтади. Ушбу хонадонларнинг ошоналари, ҳаммомлари, ҳоҳлатхоналари, молхоналаридан чиқадиган кўпбал чиқиндилар тўғридан-тўғри каналларга ташланади.

Хозирги кўннинг долзарб, муҳим муаммоларидан бири, бу очик сув ҳавзаларида суви муҳофаза зонасини белгилаш, каналлар ва қирғоқларда жойлашган корхона ва хонадонлардан чиқадиган чиқинди оқова суви манбаларини йўқотиш, очик сув ҳавзаларимизда оқётган зилол сувларнинг софлигини сақлашдан иборатдир.

Ишонларнинг соғлом ҳаёт кечириши кўп жиҳатдан тоза ҳавога боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак. Ифлосланган ҳаво эса албатта салбий оқибатлар келтириб чиқаради.

Мамлакатни дунёга спортчилик тез танитадиган восита бўлиши керак. Бу ҳақиқатни дунёнинг нуфузли ареналарида Ўзбекистон байроғини юксакка кўтарётган спортчиларимизнинг иродаси ва матонати исботлаб турибди.

Паралимпиячилар янги Зеландияга йўл олишди

Юртимизда спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилиши барибараборда, имконияти чекланган кишиларнинг ҳам бу борада нимага қодирлигини исботлашига имконият яратилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Миллий Паралимпия Ассоциацияси томонидан амалга оширилган саъй-ҳаракатлар кўлами ногиронлар спортчиларнинг дунё ареналарига чиқишини таъминляпти.

Мазкур спорт тури илк бор 1964 йилда умуртқа поғонаси шикастланган кишилар спортини номи билан оммалаша бошлаган. 1989 йилда қишки ва ёзги паралимпия ўйинлари ўтказиладиган Халқаро ташкилот — Халқаро Паралимпия Кўмитаси (ХПК) тузилади. У ўзида дюдю (хўзи оқиллар), оғир ва энгил атлетика, сузиш, камондан ўқ отиш, аравачали баскетбол сингари йиғирмадан ортиқ спорт турларини жамлади. ХПКнинг мақсади ер юзидеги имконияти чекланган кишилар иқтидорини юзага чиқаришга бевоқифа кўмаклашидир.

2007 йилдан буён Ўзбекистон Миллий Паралимпия Ассоциацияси халқаро Паралимпия кўмитаси томонидан тўлақонли аъзо сифатида тан олинди ва фаолият бошлади.

Кўплаб спорт мусобақаларда фаол қатнашиб келаётган ҳамюртларимиз ўтган йилнинг декабрь ойида Хитойнинг Гуанжоу шаҳрида Х Паралимпия ўйинларида ҳам муносиб иштирок этди. Юртимиздан 26 спортчи қатнашиб, умумжамоа ҳисобида 6 та медални кўлга киритди.

Янги йилни янги режалар билан бошлаган Ассоциация айна пайтда Янги Зеландиянинг Крайстгерг шаҳрида 22-31 январь кунлари бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўрмоқда.

Мазкур мусобақа 2012 йил Лондонда ўтказиладиган Паралимпия ўйинларига лицензия берувчи мусобақалардан биридир, — дейди Республика Миллий Паралимпия Ассоциацияси матбуот котиби Дилфуза Каримова. — Унда тўрт иштирокчимиз мураббийи Анна Қозоқова раҳбарлигида спортнинг энгил атлетика тури бўйича қатнашади. Ҳозирда Ассоциация томонидан вилоят филиалларида спорт ускуналари топирилмоқда. Шу кунгача Наманган, Жиззах, Навоий, Андижон, Бухоро ва Тошкент шаҳарларида махсус спорт анжомлари, жиҳозлар ва кийимлар юборилди. Бу йилги энг катта мақсадимиз, Лондонда бўлиб ўтадиган халқаро Паралимпия ўйинларида муносиб иштирок этишидир.

Наргиза АСАДОВА, «Туркистон-пресс»

**Паралимпиячилар янги Зеландияга йўл олишди**

Мамлакатни дунёга спортчилик тез танитадиган восита бўлиши керак. Бу ҳақиқатни дунёнинг нуфузли ареналарида Ўзбекистон байроғини юксакка кўтарётган спортчиларимизнинг иродаси ва матонати исботлаб турибди.

Юртимизда спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилиши барибараборда, имконияти чекланган кишиларнинг ҳам бу борада нимага қодирлигини исботлашига имконият яратилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Миллий Паралимпия Ассоциацияси томонидан амалга оширилган саъй-ҳаракатлар кўлами ногиронлар спортчиларнинг дунё ареналарига чиқишини таъминляпти.

Мазкур спорт тури илк бор 1964 йилда умуртқа поғонаси шикастланган кишилар спортини номи билан оммалаша бошлаган. 1989 йилда қишки ва ёзги паралимпия ўйинлари ўтказиладиган Халқаро ташкилот — Халқаро Паралимпия Кўмитаси (ХПК) тузилади. У ўзида дюдю (хўзи оқиллар), оғир ва энгил атлетика, сузиш, камондан ўқ отиш, аравачали баскетбол сингари йиғирмадан ортиқ спорт турларини жамлади. ХПКнинг мақсади ер юзидеги имконияти чекланган кишилар иқтидорини юзага чиқаришга бевоқифа кўмаклашидир.

2007 йилдан буён Ўзбекистон Миллий Паралимпия Ассоциацияси халқаро Паралимпия кўмитаси томонидан тўлақонли аъзо сифатида тан олинди ва фаолият бошлади.

Кўплаб спорт мусобақаларда фаол қатнашиб келаётган ҳамюртларимиз ўтган йилнинг декабрь ойида Хитойнинг Гуанжоу шаҳрида Х Паралимпия ўйинларида ҳам муносиб иштирок этди. Юртимиздан 26 спортчи қатнашиб, умумжамоа ҳисобида 6 та медални кўлга киритди.

Янги йилни янги режалар билан бошлаган Ассоциация айна пайтда Янги Зеландиянинг Крайстгерг шаҳрида 22-31 январь кунлари бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўрмоқда.

Наргиза АСАДОВА, «Туркистон-пресс»



**МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ**

МЕҲМОН ВА МЕҲМОНДЎСТЛИК ҲАКИДА  
Сўраб бергунча, уриб бер!

Уйинг тор бўлса ҳам, Кўнглинг кенг бўлсин!

Чақирган ерга бор, Чақирмаган ерда нима бор!?

Чақирилган ернинг узоғи йўқ.

Чақирилмаган кўноқ Қуруқ оғиз қайтади.

Кўноқ бўлиб кўрмаган, Кўноқнинг қадрига етмайди.

Кўноғи кўп уйнинг Қозони қуруқ бўлмайди.

**ТИЛ, ЯХШИ СЎЗ ВА ЯХШИЛИК ҲАКИДА**

Айтар сўзни айт, Айтмас сўздан қайт!

Аччиқ тил — захри илон, Чучук тилга — жон қурбон.

Бермаганга бериб уялтир!

Билган топиб гапирар, Билмаган — қоғиб.

Бугдой нонинг бўлмасин, Бугдой сўзинг бўлсин!

Ёмонни танқид қил, Яхшига тақлид қил.

Одам борки, одамларнинг нақшидир, Одам борки, ҳайвон ундан яхшидир.

Одам бўлиш осон, Одамий бўлиш қийин.

Одами эрсанг демагил одами, Ониким йўқ халқ гамидин гами.

Оз сўз — соз сўз.

Олтин олма, дуо ол, Дуо олтин эмасми?

Олқиш олган омондир, Қарғиш олган ёмондир.

Ошнинг таъми туз билан, Одамнинг таъми сўз билан.

Сўздан сўзнинг фарқи бор, Ўттиз икки нархи бор.

Тикан бўлиб оёққа қадалгунча, Гул бўлиб кўкракка санчил!

(Давоми бор)

**УЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 19 январь кун ҳаво ўзгариб туради, кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб қисқа муддатли туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-5 даража совуқ, кунди — 3-8 даража илқ бўлиши кутулади.

Узгидрометнинг мотопринг хизмати маълумига кўра, 19 январь кун эралаб Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг ироз тарқалиб кетишига ишонийат яратади. Атмосфернинг ифлосланиши даражаси 1-3 фозиз кўнайиши тўғрисида қилинмоқда, тағмизори наст бўлади.

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

МИНИСТЕРСТВО ПО ДЕЛАМ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**С 22 ЯНВАРЯ НА МАНЕЖЕ ЦИРКА БОЛЬШАЯ РАЗВЛЕКАТЕЛЬНАЯ ПРОГРАММА**

При участии артистов индийского цирка

Касса. Тел.: 244 35 91, 244 35 94, 244 32 23. www.sirk.uz

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

Эълонлар шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32. 2-қават, 208-хона.

**Қатарда футбол бўйича давом этаётган «Осиё кубоги — 2011» мусобақасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси «А» гуруҳи беллашувларини биринчи ўринда яқунлаб, чорак финалга йўлланма олди.**

**«Осиё кубоги — 2011» ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛЧИЛАРИ — ЧОРАК ФИНАЛДА!**

Дастлабки икки учрашувда Катари 2:0, кувайтликларни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратган ҳамюртларимиз учинчи турда Хитой терма жамоаси билан куч синашди. Бу ўйинда футболчиларимиз дуранг натижа ҳам қониктирар, рақиб жамоага эса йирик ҳисобдаги галаба зарур эди.

Илк дақиқалардан ҳужумга зўр берган хитойликлар 6-дақиқада ҳисобни очди. Бирок қисқа фурсатда ташаббусни кўлга олган ҳамюртларимиз танаффусгача жавоб тўпини киритди. Бу вазиятда ҳужумчиларга ёрдамга келган Одил Аҳмедов Сервер Жепаров оширган тўпини хитойликлар дарвозасига аниқ жойлади.

Ўйиннинг иккинчи ярми ҳамюртларимиз учун омадли бошланди. Александр Гейнрих узоқ масофадан кучли ва аниқ зарба йўллаб, рақиб дарвозасига иккинчи тўпини киритди. Аммо бир неча дақиқа ўтиб, хитойликлар ҳисобни тенглаштирди — 2:2.

Қолган дақиқаларда дарвозаларга бошқа гол киритилмади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон миллий терма жамоаси 7 очко тўплаб, «А» гуруҳида биринчи ўринни эгаллади. Гуруҳдаги яна бир учрашувда кувайтликлар дарвозасига жавобсиз учта тўп киритган қатарлик футболчилар олти очко билан иккинчи ўридан жой олди ва мусобақани давом эттирадиган бўлди.

Қитъамиздаги футболга ихтисослашган кўплаб электрон нашрларда Ўзбекистон миллий терма жамоаси кўрсатаётган ўйинларга юқори баҳо берилмоқда. Футболчиларимиз гуруҳ босқичидаги уч учрашувда ҳам тўпини эгаллаб туриш, самарали ҳужум уюштириш, тезкорлик ва жамоавий ўйин бўйича устун эканини намойиш қилди. Терма жамоамиз сардори Сервер Жепаров «Энг яхши ўйинчи», деб топилди.

Ўзбекистонлик чарм тўп усталари 21 январь кун «В» гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаган жамоа билан ярим финал йўлланмаси учун баҳслашади.

**Зоҳир ТОШҲЎЖАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси**

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОҚИМЛИГИ

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563  
ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бoshқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4848 нусxada босилади. Қозон бивени А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйча турар жойлардаги почта бўлимларига ё «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашрийт-мағба ақциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 4-й.

1235